



### Валюта бозори


Валюта жуфтлари	5 июнь ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
USD/UZS	11 997,2	0,0%	-0,3%	-6,5%
EUR/UZS	13 949,2	-0,1%	-0,9%	-4,5%
CNY/UZS	1 771,2	0,1%	0,5%	-0,8%
RUB/UZS	161,5	-3,5%	1,2%	-1,4%
JPY/UZS	75,1	-0,6%	-1,8%	-15,7%



### Сўмнинг тебраниши


20 майдан 2 июнгача бўлган даврда USD/UZS ўртача тортилган курсининг пасайиши хорижий валюта таклифининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, бунда савдо ҳажми нисбатан юқори бўлиб қолди. 5 июнга келиб курснинг кейинги ўсиши, савдо ҳажмининг 227 миллион АҚШ долларигача ошиши билан бирга, импортчилар ва бизнес томонидан валютага бўлган талабнинг кучайишидан, шунингдек, ташқи бозор омилларининг таъсиридан далолат бериши мумкин.

### Пул бозори



### Ликвидлик динамикаси

Умумий ликвидлик ва мажбурий захираларни ўртачалаштириш меъёри ўртасидаги фарқ 26 майдаги 4,9 трлн сўмдан 2 июнда -2,2 трлн сўмгача камайди, бу мажбурий захираларни сақлаш даврининг 3 июнда яқунланиши билан боғлиқ. 4 июнда янги сақлаш даври бошланиши билан кўрсаткич 2,3 трлн сўмгача тикланди, бу эса банк секторининг эркин ликвидлиги ҳажмининг ўсишини акс эттиради.



### Ставкalar барқарор

Дилерлараро РЕПОНинг ўртача тортилган ставкаси 25 май куни 12,2 фоизгача пасайгандан сўнг, 5 июнга келиб 13,1 фоизгача кўтарилди ва деярли UZONIA ставкасига (13,1 фоиз) тенглашди. Иккала ставканинг ҳам Марказий банк асосий ставкасидан (14%) паст даражада сақланиб қолаётгани пул бозорида ликвидлик даражаси етарли эканлигидан далолат беради.

### Давлат қимматли қоғозлари бозори

Ғазначилик мажбуриятларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари **2 июнь** куни T+2 ва **4 июнь** куни T+0 тартибида ўтказилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **2 июнь** куни муомала муддати **1 йил** ва **3 йил** бўлган ДҚҚлар жойлаштирилди, уларнинг ўртача тортилган ставкаси мос равишда **12,01%** ва **12,79%** ни ташкил этди. **4 июньдаги**, муомалада бўлиш муддати **1 йил** ва **3 йил** бўлган ДҚҚларни қўшимча жойлаштириш бўйича ўртача тортилган ставка мос равишда **11,98%** ва **12,79%** ни ташкил этди. Бундан ташқари, **4 июнь** куни Марказий банк облигацияларини жойлаштириш бўйича аукцион ўтказилиб, унда **29 та дилер** иштирок этди, келиб тушган буюртмаларнинг умумий ҳажми **78,16 трлн. сўми**, ўртача тортилган ставка **14,00%** ни ташкил этди.

Аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Эълон қилинган ҳажм (минг дона)	Буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Қондирилган буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Ўртача тортилган ставка %
02.06.2026	T+2	24136UMFS	364	200	605	179	12,01%
02.06.2026	T+2	28044UMFS	1095	300	1 566	301	12,79%
04.02.2026	T+0	21238CBUSS	7	80 000	78 159	78 157	14,00%
04.02.2026	T+0	24136UMFS	364	300	322	268	11,98%
04.02.2026	T+0	28044UMFS	1095	200	201	201	12,79%

Режалаштирилган аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Чиқарилиш ҳажми (минг дона)
09.06.2026	T+2	24136UMFS	357	200 000
09.06.2026	T+2	28044UMFS	1088	300 000


### ДҚҚнинг режалаштирилган аукционлари

**9 июнь** куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги T+2 ҳисоб-китоб режимида **1 ва 3 йиллик** Давлат қимматли қоғозлари аукционлари ўтказишни режалаштирмоқда.



### Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ғазначилик мажбуриятларининг савдолари

Охири ўтказилган аукцион натижаларига кўра муомила муддати **3 йил** бўлган қимматли қоғозларнинг ўртача тортилган ставкалари ой бошига нисбатан **12,61%** дан **12,79%** гача барқарор даражада сақланиб қолган. Марказий банкнинг ҳафталик облигациялари савдоларида умумий талаб доимий равишда таклифдан юқори бўлганлиги сабабли ўрта муддатли ДҚҚларга бўлган талаб ошди.




### Даромадлилик эгри чизиғи

**3 июнь** ҳолатига кўра даромадлилик эгри чизиғи (миллий валютада ифодаланган қарз воситаларининг нархлари ва муддатлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи график) **3 ва 5 йиллик** давлат қимматли қоғозлари бўйича мос равишда **12,81%** ва **14,70%** ни ташкил этди.


### Валюта бозори

Валюта жуфтлари	5 июнь ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
EUR/USD	1,1521	-0,94%	-1,93%	0,66%
USD/RUB	73,70	2,36%	-1,40%	-4,60%
DXU	100,07	0,91%	2,04%	1,35%
XAU/USD	4 329,3	-3,95%	-7,70%	29,07%
USD/CNY	6,7657	-0,31%	-0,67%	-5,72%
USD/JPY	160,32	0,64%	2,51%	11,68%




Евро курси 1,15 доллардан бироз юқорида барқарорлашди. Яқин Шарқдаги давом этаётган геосиёсий кескинлик фонида АҚШ апрель ойининг бошидан бери энг паст даражага яқин бўлиб қолмоқда. Еврога қўшимча босим инфляциянинг тезлашиши ва евроҳудудда иқтисодий ўсишнинг секинлашиши билан боғлиқ хавотирлар эди. USD/RUB курсининг пасайиши бюджет қондаси доирасида валюта интервенциялари ҳажмининг ошишидан сўнг бозорнинг тузатилиши билан боғлиқ эди.

### Пул бозори



Инвесторлар сақланиб қолаётган инфляция хатарлари фонида етакчи марказий банкларнинг кейинги қарорларини кутишди. Евроҳудудда кутилмалар май ойида инфляция 3,2 фоизгача тезлашгандан сўнг Европа Марказий банки ставкасини ошириши мумкинлиги билан боғлиқ эди, бу икки ярим йилдан ортиқ вақт ичида энг юқори даражага етди. Шу билан бирга, СМЕ FedWatch маълумотларига кўра, бозор иштирокчилари АҚШ Федерал захира тизими ставкасини ҳозирги даражада сақлаб қолиш эҳтимолини юқори деб баҳоламоқда, гарчи 2026 йил охирига келиб унинг ошиши умумий эҳтимоли 69,4 фоизни ташкил этади.

### Хомашё бозори



Олтин ва кумуш нархлари Яқин Шарқдаги геосиёсий кескинлик ва АҚШ Федерал захира тизимининг кейинги қарорлари кутилмалари таъсирида қолди. Нефть нархининг ошиши, инфляция хавотирлари ва АҚШнинг кучли макроиқтисодий маълумотлари пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш кутилмаларини кучайтирди. Инвесторлар, шунингдек, фоиз ставкаларининг кейинги йўналишини белгилаши мумкин бўлган АҚШ инфляцияси маълумотларининг эълон қилинишини кутишган.

Европада табиий газ нархи Яқин Шарқдаги геосиёсий кескинликнинг кучайиши фонида ошди, бу Форс кўрфази минтақасидан энергия таъминотидаги эҳтимолий узилишлар ҳақидаги хавотирларни кучайтирди. Шу билан бирга, Brent нефтининг нархи Эрон ва Исроил ўртасидаги можаронинг эҳтимолий пасайиши ҳақидаги сигналлар, шунингдек, ОПЕК+нинг ишлаб чиқаришни кўпайтириш қарори ва Хитойдан талабнинг пасайиши фонида пасайди.

Ушбу ҳужжат фақат ахборот мақсадлари учун мўлжалланган ва ҳеч қандай молиявий инструментни сотиб олиш ёки сотиш таклифи эмас, шунингдек, индивидуал инвестиция тавсияси сифатида қаралмаслиги керак.

Ундаги маълумотлар оферта, оммавий оферта ёки инвестиция фаолиятида иштирок этишга таклиф ҳисобланмайди. Ҳужжат даромадлилик кафолатларини ўз ичига олмайди, инвестиция мақсадлари, молиявий ҳолати ёки муайян инвесторнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Инвестиция қарорларини қабул қилишдан олдин рисклар, фойдалар, шунингдек, юридик, солиқ ва бошқа оқибатларни мустақил баҳолаш тавсия этилади. Даромадлилик бўйича илгари эълон қилинган маълумотлар келажакда шунга ўхшаш натижаларни олишни кафолатламайди.

Ҳужжатда ишлатилган логотиплар ёки савдо белгилари (агар мавжуд бўлса) фақат маълумот учун тақдим этилган ва тегишли брендларнинг ҳамкорлиги, маъқулланиши ёки рекламасини англатмайди.

Ушбу материалдаги атамалар ва таърифлар фақат кўриб чиқиляётган молиявий воситалар доирасида қўлланилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган юридик таърифларга мос келмаслиги мумкин.

Материал очиқ манбаларга асосланган, маълумотлар олдиндан огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин. Ташкilot тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун жавобгар эмас.

Ушбу шарҳ давлат, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган. Тил версиялари ўртасида ҳар қандай тафовут ёки фарқ бўлган тақдирда, рус тилида баён этилган матн ҳал қилувчи ҳисобланади.

## Эътиборингиз учун раҳмат!

"Asia Alliance Bank" АТБ

Ҳазначилик бошқармаси

Махтумқули к., 2А, Тошкент ш., 100047

Тел: +998 71 231 60 00 (1241) | (1048)

e-mail: Davron.Mahmudov@aab.uz, Azizbek.Suyunov@aab.uz

вебсайт: www.aab.uz

